

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ РИСКИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

**Юлдашев Муроджон Исмоил ўғли,**

*БМА II-босқич магистранти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада тижорат банклари фаолияти ва улар билан боғлиқ рисклар ёритилган. Шу билан бирга кредит риски ва уни бартараф этиш йўллари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** риск, кредит, диверсификация, молия бозори, кредит портфели, риск турлари.

Сўнги йилларда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, шунингдек молия бозоридаги рақобат муҳити банк тизимининг барқрорлик даражасига ўз таъсирини кўрсатади.

Бу эса банк тизимида мавжуд муаммолар уларни бошқаришда қўлланиладиган усуллар ва рискларни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатларини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Республикамыз банк тизимини ривожлантириш, кўрсатилаётган банк хизматларини сифати ва турларини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 3270 сонли Қарорида банк хизматларига белгиланган таърифлар қайта кўриб чиқилди [1].

Бу борада назарий жиҳатларга эътибор қаратсак иқтисодчи олим Н.В. Гаретовскийнинг фикрича, кредит орқали амалга оширилган банк операцияларидан келиб чиқадиган зарарлар банк муассасаларида рисклари хавф билан белгиланади [2].

Шу ўринда асосий банк рискларига қуйидагилар киради:

- ликвидлик хавфи бунда банк муассасаларининг активлари ва мажбуриятлари қиймати жорий бозор кўрсаткичига мос келиши керак. Агар бу содир бўлмаса, банклар ўз мажбуриятларини тўлашда жиддий қийинчиликларга дуч келиши мумкин;
- кредит ставкаларининг ўзгариши хавфида сегментдаги кутилмаган ўзгаришлар банк муассасасининг активлари ва пассивлари таркибига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин;
- кредит хавфида берилган кредитлар сифати ва ликвидлик омили ўртасидаги доимий мувозанатни тақозо этади;

– капиталнинг етарлилиги хавфида салбий вазиятлар даврида банк йўқотишларни эркин ўзлаштира олиши ва етарли молиявий ресурсларга эга бўлиши лозим.

Юқоридаги риск турлари билан бир қаторда ташқи омилларга қўйидагилар киради яъни, банк фоиз ставкаларининг ўзгариши, инфляция, солиқ ставкалари ва божхона тўловларининг ўзгариши, мулкдаги ўзгаришлар, меҳнат қонунчилигидаги ўзгаришлар ва бошқалар.

Банк учун эса ходимлар, банк раҳбариятининг камчиликлари ва хатолари билан боғлиқ ички омилларнинг таъсири янада хавфлидир.

Банк бошқарувида, мумкин бўлган йўқотишлардан қатъи назар, кутилаётган даромадларга эътибор қаратилади. Рискни ёқтирмайдиган менежерлар катта фойда олиш умидида таваккал қилишга, яъни натижани кўпайтириш учун йўқотишларни минималлаштириш учун курашишга тайёр бўлади.

Шу билан бирга банкларнинг тизимсиз рискларини бошқаришда қўлланиладиган усулларни тизимли рискларни бошқаришда қўллаганда тегишли самара бермаслиги, шунингдек банк рискларини бошқаришда куни кеча самарали ҳисобланган усул бугунга келиб ўзининг аҳамиятини йўқотиб қўяётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўз навбатида, тижорат банкларининг кредитлаш имкониятини янада ошириш муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда кредит рискларини бошқаришда қарз олувчининг кредитга лаёқатини таҳлили, кредитни баҳолаш, кредит шартномасини тузиш, кредитни ҳужжатлаштириш, гаров таъминотини назорат қилиш усуллари киради.

Ушбу усулларнинг ўзига хослиги уларни қўллаш зарурлигида бўлиб, ҳар бир босқичда кредит бўйича мутахассисга кредит хавфини минималлаштириш вазифаси қўйилган бўлиб, шу билан бирга кредит бериш босқичларини индивидуал кредит таваккалчилигини бошқариш усуллари сифатида кўриб чиқиш лозим.

Кредит рискин диверсификациялаш усули орқали бошқариш кенг тарқалган усуллардан биридир. Шу ўрнда диверсификациялашнинг ҳам уч тури мавжуд бўлиб, уларга тармоқ, географик ва портфел турлари киради.

Яна бир усул секьюритизациялаш усули бўлиб, банк кредитларига нисбатан қўлланилади, бу банкларга кредит хавфини бозорнинг бошқа

иштирокчилар яъни қимматли қоғозларни сотиб оладиган инвесторларга ўтказишга имкон беради. Бундан ташқари, ушбу усул ёрдамида банк фоиз ставкасининг ўзгариши ва кредитни муддатидан олдин тўлаш хавфини ўтказиши мумкин [3].

Юқоридагилардан хулоса қилиб, тижорат банкларида кредит рискинни бошқаришдан асосий мақсад ушбу портфелнинг риск, даромадлилик ва ликвидлилик кўрсаткичларининг самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Шу билан бирга муаммоли кредитларни юзага келишини олдини олиш учун кредит муддати кредитланаётган лойиҳанинг муддати ва самарадорлигига мос бўлишини таъминлаш лозим.

Банк кредитларни тўғри йўналтириш, уларни сўндириш ва мониторингини олиб бориш, кредитлардан мақсадли фойдаланиш, кредит ва ҳисобланган фоизларни сўндириш бўйича банк ходимларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйиҳати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 3270 сонли қарори.

2. Финансово-кредитный словарь: в 3 т. / гл. ред. Н.В.Гаретовский. 2-изд., стереотип. М.: Финансы и статистика, 1994. Т. 3. С. 69.

3. <https://e-journal.uz/>